
МЕҲНАТОБОДЛИКЛАР ҚУВОНЧИ Ёҳуд 100 нафар хотин-қизларнинг бандлиги таъминланди

Риштон туманида ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларнинг турмуш шароитларини яхшилаш, уларнинг иқтисодий жиҳатдан оёққа туриб олиши учун имкониятлар яратиш, мавжуд муаммоларини ҳал этиш мақсадида бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда.

Чекка қишлоқлардан бири Меҳнатобод маҳалласи учун бугун қувончли кун бўлди. Боиси, бугун тадбиркор Азиза Фориқова ташаббуси билан ташкил этилган “АЗ ТЕКС СОФТ” ишлаб чиқариш кооперативининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Айтиш жоизки, мазкур ишлаб чиқариш кооперативи қошида ишсиз аёлларни касб-ҳунарга ўқитиш бўйича 100 ўринли тикувчилик курси ташкил этилди. Ушбу ўқув курси битирувчилари келгусида шу корхона ишчиси сифатида фаолият юритади ва цехда ишлаши учун имконият яратилади. Бунинг натижасида маҳалладаги 100 нафар ишсиз хотин-қизларнинг бандлиги таъминланди.

Ушбу ишлаб чиқариш кооперативининг очилиш маросимида туман ҳокими С. Солиев, вилоят аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази раҳбари Б. Холиқов, туман ДСИ бошлиғи Д. Раҳимов, туман ҳокими ўринбосарлари ва тегишли ташкилот мутасаддилари иштирок этишди.

2021-05-07 20:03:43